

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг еттинчи йилга қадам қўймоқда. Мамлакатнинг қисқа фурсат ичида барча жабҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Имомни қомилки, 1998 -- Ойла йилида ҳам белгиланган режалару ниятлар ижобат топади.

Раъфат ас-САБЪА, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси матбуот шўбаси раиси

Ўзбекистон
Элим деб, юртим деб,
ёниб яшаш керак
1925 йилдан чиқа бошлаган
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИ ГАЗЕТАСИ 1997 йил 17 декабр Чоршанба. № 97 (14489)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИ ХИТОЙ ВА ҲИНДИСТОНДА

1997 йилнинг 13 декабрь кунини Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти маросими бўлди.

Китоб хорижий ижтимоий-сиёсий адабиёт ва жаҳон маданияти асарларини чоп этишга ихтисослашган Хитой давлат «Халқаро маданият» корпорациясида нашр этилди.

Китоб Хитой Ижтимоий Фанлар Академиясининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти эксперт-таржимонлари томонидан таржима этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов, ХХР темир йўллари вазири Хань Чжунбин, Хитойнинг бошқа вазирилик ва идоралари раҳбарлари, олимлар, зиёлилар, ишбилармонлар вакиллари, шунингдек, Пекиндаги хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари иштирок этишди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Хитой давлат «Халқаро маданият» наشريёти корпорацияси бош директори Чжан Гуйлай, китобни нашрга тайёрлашга хитойлик китобхонларнинг Марказий Осиё давлатлари, айниқса, минтақада барқарор ва тобора муваффақият билан ривожланиётган Ўзбекистоннинг минтақа муаммоларига бўлган катта қизиқиши туртки берди, деб таъкидлади.

— Президент И. Каримов амалга ошираётган ислохотларнинг назарияси ва амалиёти ХХРда олиб борилган ислохотларнинг ривожини учун алоҳида қизиқиш уйғотади, — деди Чжан Гуйлай.

Бош директор Ўзбекистон Республикаси Президентининг китоби хитой тилида нашр этилиши, хитой халқининг Ўзбекистон халқи ҳақидаги тасаввурини бойитиши, икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига ижобий таъсир қўраётганини ишонч билдирди.

Маъзур китобнинг сиёсатшунослар, жамоатчилик вакиллари учун алоҳида аҳамияти ҳақида ХХР Ижтимоий Фанлар Академиясининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори профессор Чжан Вэньу тўхталиб ўтди. Уз сўзида у «Китобда давримизнинг муҳим ижтимоий-сиёсий муаммолари чуқур таҳлил этиб берилган, унда нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг хавфсизлигини таъминлаш курсатиб ўтилган», деди. Нотиқ китоб институтнинг малакали мутахассислари томонидан хитой тилига ўғирилганлигини мамнуният билан айтиб ўтди.

— Ўзбекистон — Марказий Осиёда йирик мамлакат, Хитойнинг муҳим ҳамкори, бу эса ХХРнинг унинг ички ва ташқи сиёсатида бўлган манфаатларини қўраётган, — дея таъкидлади Хитой замонавий халқаро муносабатлар институти директори уринбосари профессор Чжан Бужэнь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти китобига бағишланган тақдимот маросими Хитой оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Хитойнинг илгор «Синьхуа» агентлиги бу воқеага бағишланган мақоаларни тарқатди.

Жаҳон жамоатчилигининг Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бўлган чуқур қизиқишини ушбу асарнинг Деҳлида ўтказилган тақдимотида ҳам яна бир бор намоён бўлди. Маросим Хинд халқаро марказида Ж. Неру номидаги университетнинг Химолой ва Марказий Осиё тадқиқотлари жамғармаси иштирокида ўтказилди. Тақдимот маросимида Марказий Осиё масалалари билан шуғулланувчи атакли олимлар ва сиёсатшунослар, журналистлар, хинд дипломатлари ҳамда мамлакатда рўйхатдан ўтган хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этидилар.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчиси И. Нейматов уз маърузасида Ислам Каримовнинг узбек, инглиз, рус, француз, немис, турк ва араб тилларида нашр қилинган янги китоби кун сайин жаҳоннинг турли мамлакатларида минглаб янги эътиборли ва холис ўқувчиларни топаётганлигини, Ўзбекистонда ва минтақада содир бўлаётган жараёнларни, республиканинг халқаро майдондаги ташаббусларини тушунишга қўл келишини таъкидлаб ўтди.

Ҳиндистон Ташқи ишлар вазириликнинг собиқ котиби, узок йиллар мамлакатнинг собиқ СССРдаги элчиси лавозимида ишлаган Т. Каул уз нутқида Ислам Каримов китобининг дунё юзини кўриши дипломатлар учун қурраи заминнинг турли нуқталаридаги келишмовчилик марказлари пайдо бўлишидаги омилларни аниқлашга узига хос бурилиш нуқтаси бўлганини таъкидлади. Ислам Каримовнинг илмий асариде кенг ёритилган минтақавий хавфсизлик, терроризм, наркотик контрабанда, қуролларнинг ноқонуний савдоси муаммоларига муносабати ҳозирги замонда ушбу масалаларни ҳал қилиш имкончилигига ишонч уйғотади. Т. Каул шунга ишонч билдириб, 1966 йилда Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги ҳарбий зиддиятларни барҳам топишига эришган Тошкент Тожикистон ва Афғонистонда тинчликни ўрнатиш учун барча имкониятларни қўлайди, деди.

— Айтсак муболага бўлмайдики, Ислам Каримовнинг китоби кўпала одамлар учун қундалик қўлланма бўлади. — Украинанинг Ҳиндистондаги элчиси Г. Ходоровский уз нутқини ана шу сўзлар билан бошлади. — Ушбу асарда мустақилликнинг олти йилли давомида мамлакат ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришларга аниқ таъриф берилган. Украина Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга ҳамда иқтисодий ва маданий алоқаларни бундан кейин ҳам кенгайтиришга катта аҳамият беради.

Ўзбекистон давлати раҳбари биринчи бўлиб ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи жараёнлар илдинини очиб берди. Украинаник дипломат маъзур китобда қўйилган муаммоларнинг долзарблигини тушуниш ва ҳар биримиз учун келажак авлод олдидеги мажбуриятини ҳис қилиш имкониятини беришини ҳам айтиб ўтди.

Туркманистоннинг Ҳиндистондаги элчихонаси маслаҳатчиси Ч. Рустамова Ўзбекистон Президентининг минтақада барқарорлиқни мустаҳкамлаш, бу ерда яшовчи халқлар миллий ўз-ўзини аниқлашнинг қайта тикланишига қўшган ҳиссаси тугрисида гапириб, сўзини давом эттирди: «Ислам Каримов уз асариде МДХ давлатлари раҳбарларидан биринчи бўлиб эътиборни қайсидир мамлакатда пайдо бўладиган муаммо бора-бора у минтақада ва кейинчалик ҳатто глобал аҳамиятга етиши мумкинлигига қаратади. Бу муаммоларнинг сабабини тушуниш ва шу юзасидеги ўз вақтида чоралар қабул қилиш — мана шунлар айни пайтда ҳар қандай сиёсатчи ва давлат арбоби фаолиятининг асоси бўлмоғи керак».

Ислам Каримов асарининг тақдимотида маросимида, шунингдек, Ҳиндистонда фаолият юритаётган хорижий дипломатик ваколатхоналар вакиллари, Ж. Неру университети олимлари, Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирилик масъул ходимлари ҳам уз маърузалари билан иштирок этидилар.

«Жаҳон» АА.



Президентнинг стипендияси соҳибдорлиги

Зафар буни яхши англайди ва уз илмий тадқиқотларида эътиборга олишга ҳаракат қилади. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети 4-курс талабаси Зафар Содиқзонов уз иқтисоди билан Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиб бўлди. Интиланга толе ёр дейишди. Машаққатли меҳнат бир кун барибир ўзининг ширин ҳосилини бермай қолмайди. Тинимсиз изланишлар, билим доирасини янада такомиллаштириб бориш натижасида Зафар университет ўқитувчилар жамоаси томонидан Президент стипендияси совриндорлигига тавсия этилди. Ҳозиргача у

ИЛМГА ИНТИЛИБ

Бугун биз ҳуқуқий-демократик давлат барпо этаётган бир пайтда қонуларнинг устуворлиги, уларга ҳар бир фуқаро ҳурмат билан қароши муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув режасида барча фанларни фақат «аъло» баҳора ўзлаштироқда. Илмий тадқиқотлар олиб бориш билан биргаликда жамоат ишларида ҳам ўта фаол қатнашишга вақт топа олади. Хорижий тилларни пухта билиш бутуннинг асосий эҳтиёжи бўлиб қолди. Буни яхши тушуниб етган Зафар немис тилини пухта билгани учун ҳам хорижий адабиётлар, илмий нашрлар, ўқув қўлланмаларидан фойдаланишини кенг йўлга қўйди. Ойик тун олдидеги баъзе, ҳозир барчамиз ҳам уз ҳуқуқларимиз, қонун олдидеги масъулиятимизни биллавермаймиз. Бошқача айтганда бунга ҳуқуқий биланларимиз етарли эмас. Зафарнинг «Меҳнат шартномаларини тузиш», «Меҳнат шартномаларини ижро этиш, бажариш ва тугатиш бўйича қонуларни ижро этиш юзасидан назорат», «Суд қарорлари ва ажримини ижро этиш» каби ишлари маъзур муаммо масалани бирмунча ҳал этишга қаратилгандир. «Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими» ҳамда «Порахўрлик жиноятларини квалификация қилиш» деб номланган илмий мақоалари эса замон талаблари даражасида ёзилган бўлиб, улар ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Умуман олганда унинг илмий ишлари ёш мустақил республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тажрибадан фойдаланиш учун кўпала тақлифларни илгари сурганили билан ўқувчида қизиқиш уйғотиши табиийдир. Университет профессор-ўқитувчиларининг фикр-мулоҳазаларига қараганда, Зафар Содиқзоновнинг маъмурий ва жиноят ҳуқуқи соҳаларидаги барча илмий ишларини умумлаштириб, номзодлик диссертацияси учун мана бундай сифатда фойдаланиш мумкин экан.

— Бутунги кунда айрим тенгқурларимиз ўзларини савдо-сотикқа уриб кетаётганликларини мени ранжитади, — дейди Зафар. — Уларни кўпроқ илму ҳунар, маърифатга интилишларини истардим. Биз ёшлар учун ҳозир кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўз ўрнида ёшларнинг вазифаси аъло ўқиш, изланиш, ҳалол меҳнат билан мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшишдан иборат деб биламан!

Назозат УСМОНОВА, «Туркистон» мухбири



Ойла йилини қандай тушунасиз?

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан бўлган татанали йилгида Президентимиз Ислам Каримов 1998 йили Ойла йили деб эълон қилишни таклиф этаиди.

... Чунки ойла Шарқда қадим-қадимдан муқаддас Ватан саналган. Агар ойла соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Ёшларини, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳужж суради.

Энди Ойла йилида ойла муаммоларига, унинг истиқболига ҳам давлатимизнинг, ҳам жамиятимизнинг диққат-эътибори янада қўйилган бўлади.

Биз қўлаб ёшларга «Сиз Ойла йилини қандай тушунасиз?» дея савол бердик.

Нилдифар ҲОТАМОВА, ТошДД журналистика факультети талабаси: — Ўн кун олдин бу хабарни эшитиб роса қувондим. Чунки ойла -- муқаддас даргоҳ ҳисобланади. Ойлини, уйдагиларини ҳурматлаган, иззатлаган одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Менинг тасаввуримда асрининг сўнгги йиллардан бири 1998 йил тарихда узатча ҳарф билан битилди. Кўп йилларнинг зугуми остида унутилган Шарқ оиласининг қадим удумлари яна ўзига қайтади. Ойла йили -- ҳақиқий оилалар йили бўлади.

ДИЛФУЗА, Қизилтепа туман поликлиникаси ҳамшираси: — Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Аёлнинг қалтис қадами сабаб 5 кунлиқ оиланинг пойдевори бузилди. 3 бола етим деган шунча мақомни олди. Бир эркак қишлоқдан бош олиб кетди. Шунда билдим: аёл оиланинг ҳам шоху, ҳам галдиси эканлигини.

Яқинлашган йил Ойла йили деб эълон қилинбди. Истагим ҳеч бўлмаса шу йилдан мамлакатимизда тирик етимлар кескин камайсин, оиланинг сардорлари -- аёл-эркакка инсофу диёнат берсин...

Низомжон ОМОНОВ, ишчи: — Ойла йили деганда нимани тушунаман? Аввало хотир-жамликни. Хонадонда хотиржамлик бўлсагина ҳамма нарса барҳам топади. Уйланганимга эндигина бир йил бўлади. Аммо шу бир йил ичида ҳам анчагина қийинчиликларни бошдан ўтказдим. Ойла йилида ҳамма ҳамжиҳат бўлиб, ёш оилаларни қўлаб-қувватласа, ёрдам берса, ажралишлар камроқ бўлармиди?

Назира яя РАМАЗОНОВА, қаҳрамон она: — 13 фарзанднинг онасим. Президентимизнинг гапларини эшитиб бирам қувондим. Халқда гап борку, онасини улуғлаган юрт ичида тарғибди, оиласини улуғлаган юрт ичида ариғидир. Ойла йили деб эълон қилинганидан кейин ҳамма нимадир қилишни ўйлайди-да. Маҳалла элга қайишади.

ЛАЙЛО

Обуна-98

ВАЪДА ВАФОСИ БИЛАН

Янгийўл тумани вилоятдаги йирик туманлардан биридир. Унинг ҳудудидеги 54 та мактаб ва 2 та хунар-техника лицейида минглаб ёшлар таълим олмақда. Лекин шундай туманда «Туркистон» та бор-йўри бир одам бўлибди. Ахир бу ерда «Камолот» жамғармасининг туман бўлими, қолаверса, унинг тўққизта жамоатчилик марказлари ҳам фаолият қўрамоқда. Обуна бўлган кишининг қимлиги билан қизиқдим. «Билмайман» дея жавоб берди «Камолот» жамғармаси туман бўлими раиси Алишер Мирзаев.

— Бир нафаргина шахс обуна бўлса-да, унинг қимлигини билмайсизми? На ўзининг, на бирорта жамоатчилик маркази ходими газетига обуна бўлибди. Демак, обуна мавсумида ҳеч қандай ташвиқот ишлари юритилмаган.

— Ака, пул йўқ бўлгандан кейин нима қилайди, — деди раис сўзламоқда билан. Жавобдан туман ёшлар сардорининг обунага муносабатини тушунидим.

Афеуски, Қуйи Чирчиқ, Оҳангарон, Пекент, Чиноз туманларида, Олмалик, Чирчиқ, Янгиобод шаҳарларида ҳам аҳвол шундай. Умуман вилоят бўйича обуна яхши йўлга қўйилмаган. Обуна мавсумининг тугатишга санокли кунлар қолган бўлса-да, вилоятдаги 21 та туман ва шаҳарлардан бор-йўри 238 нафар муштарий «Туркистон» та обуна бўлса! Ажаб...

Бир ҳафта бурун «Камолот» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раисининг биринчи уринбосари Раҳимжон Солиқовга мурожаат этганимизда у киши обуна ишларини 3-4 кун ичида яхшилаб юборишга сўз берган эдилар. Орадан шунча вақт ўтса-да аҳвол ҳамон ўзгармаёттир.

С. АЗЛАРОВ, «ТУРКИСТОН» мухбири

-- дейди Зоминдаги 11-иқтисодчи болалар лицей-интернати ўқувчиси Шерзод Хайруллаев, -- чунки бу газетда биз ёшларга оид қизиқ-қизиқ мақоалалар эълон қилинади. Айни кунда, лицей-ин-ўқувчилари ўртасида ўтказилган математика олимпиадасида иккинчи ўринни эгаллади. -- Нима учун иқтисодчи бўлмоқчисан? -- сўраймиз Шерзоддан. -- Чунки республика-

БЎШ ВАҚТИМДА «ТУРКИСТОН»НИ ЎҚИЙМАН

тернатда 192 ўқувчи таълим олмақда. Дарслар реитинг усулида олиб борилди. Бу йил ўтказилган вилоят олимпиадасида лицей жамоаси II ўринни олишга муваффақ бўлди.

Шерзод Хайруллаев эса шу лицейнинг 10-синфиде аъло баҳоларда ўқийпти. У келажакда иқтисодчи бўлмоқчи. Бу йил вилоят

Э. ҲОҚОВ, «Туркистон» мухбири



Жаҳон Банки Грузиядаги қашшоқлик даражасини қайтариш бўйича дастурни қўлаб-қувватламоқда. Ижтимоий инвестициялар жамғармасини тузишга оид лойиҳани амалга ошириш учун 20 миллион долл миқдориде кредит ажратилди. Дастурда шунингдек, Грузиядаги ҳусусий секторни ривожлантириш суъратларини жадаллаштириш ҳам кўзда тутилган.

Америка Қўшма Штатларида иқлимдаги муҳим кескин ўзгаришлар тўғрисидаги келишувга бепарволарча қаралмоқда. Хусусан, кўпгина давлатлар раҳбарлари эҳтимолки иссиқхоналар бумини атмосферага чиқаришни қайтаришга оид ушбу Кисто анжумани битимини яхши кутиб олишларига қарамай, АҚШ Конгресс вакиллари бунга панжа ортидан муносабатда бўлишляпти.

АҚШ Президенти Билл Клинтон эса ер кўррагининг қаттиқ исиб кетишига қарши бўлган Кисто битимига қарата мурожаатнома эълон қилди. Унда Президент анжуманда иштирок этаётган ўз мамлақати вакиллари бошқа давлатлар билан тий топишича ишлашга даъват этади.





